

№: 22120012165224

Олди - сотди шартномаси «\_2\_» -сонли

«26»\_Ноябрь 2022 йил

Учкўрғон шаҳри

Сиявуш Саноат МЧЖ бундан буён “Таъминотчи” деб аталувчи, раҳбари Ж.Мансуров низом асосида иш юритувчи бир томонидан ва Учкўрғон туман йўллардан фойдаланиш УК бундан буён Харидор деб аталувчи, Х.Атаханов Устав асосида иш юритувчи иккинчи томонидан куйидагилар тугрисида шартнома тузадилар:

1.Шартнома предмети

1.1. “Таъминотчи” эҳтиёжи учун лозим булган товар-моддий бойликларни етказиб беради. “Истеъмолчи” эса товар-моддий бойликларни қабул қилиб мазкур шартнома шартлари асосида туловларни амалга оширади.

2. Товар-моддий бойликларнинг нархи ва умумий қиймати

2.1. Товар-моддий бойликларнинг қиймати Республикамиз миллий валютасида белгиланади.

№	Товар-моддий бойликнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Умумий суммаси
1	Звездочка мешалка	Дона	2	255 500	511 000
2	Каток рамок	Дона	8	179 000	1 432 000
3	Шланг 32	Дона	26	297 500	7 735 000
	Жами:				9 678 000

2.2. Шартноманинг-умумий қиймати 9 678 000 (тўққиз миллион олти юз етмиш саккиз минг) сўм (сумма ёзува курсатилиши лозим)

2.3. “Таъминотчи” товар-моддий бойликларнинг қиймати (нархи) ошганлиги натижасида узгарганда, “Истеъмолчи”ни олдиндан хабардор қилади, товар-моддий бойликларни узгарган нархда томонларнинг келишувига асосан қушимча шартнома тузилади.

2.4. “Истеъмолчи” узгарган нархлар буйича қушимча шартномага асосан туловларни амалга ошириши лозим.

3. Тўлов шартлари

3.1 “Истеъмолчи” етказиб бериладиган маҳсулотнинг умумий нархининг 15% олдиндан, қолган 85% эса товар-моддий бойликларни қабул қилиб олгандан сунг 5 банк қуни ичида тулаши шарт.

3.2. “Истеъмолчи” мазкур шартноманинг 3.1 банди талаблари бажарилмаган тақдирда “Таъминотчи” шартномада курсатилган маҳсулотларни бермасликка ҳақли.

3.3. “Таъминотчи” товар-моддий бойликларини уз вақтида етказиб бермаса, бунинг натижасида иккала томонга ҳам жиддий зарар етказилса “Истеъмолчи” бир томонлама шартномани бекор қилишга ҳақли.

4. Товар-моддий бойликларни етказиб бериш тартиби

4.1. Товар-моддий бойликни белгиланган вақтида “Истеъмолчи” “Таъминотчи”нинг оморхонасидан олади.

4.2. Товар-моддий бойликларни етказиб бериш тартиби ушбу шартноманинг 3.1 бандига асосан пул маблағлари “Таъминотчи”нинг ҳисоб рақамига утказилгандан сунг бир ой давомида бажарилиши шарт.

4.3. Товар-моддий бойликлар тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилгандан сунг “Истеъмолчи”нинг ишончли вақилига, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида чиқарилади.

4.4. Ишончнома нотугри расмийлаштирилган ҳ;олда “Таъминотчи” товар-моддий бойликларни чиқаришдан бош тортишга ҳақли.

4.5. “Истеъмолчи” товар-моддий бойликларни “Таъминотчи”нинг оморидан олиб кетиш харажатларини уз зиммасига олади.

5. Томонлар мажбуриятлари

5.1. “Таъминотчи” мажбуриятлари:

- Шартноманинг 3.1 банди уз вақтида амалга оширилгандан сунг “Истеъмолчи”га шартномада курсатилган товар-моддий бойликларни бериш;

-Товар-моддий бойликни етказиб келтирилганлиги ҳақида “Истеъмолчи”ни хабардор қилади.

5.2. “Истеъмолчи” мажбуриятлари:

- товар-моддий бойликларни қабул қилиб олгунга қадар “Таъминотчи”нинг оморхонасида қуздан кечиради ва унинг сифатига, бутунлигига, ярқилигига эътибор бериб текшириб олади.

- агар товар-моддий бойликлар талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз, истеъмолга яроксиз булса, "Истеъмолчи" товар-моддий бойликларни кабул килмасликка ва урнига бошқасини алмаштириб беришни талаб қилишга ҳақли.

- товар-моддий бойликлар "Таъминотчи"нинг оморхонасида "Истеъмолчи" кабул қилиб олингандан сунг жавобгарлик тулик "Истеъмолчи" зиммасига юкланади.

### 6. Тарафлар жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада курсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида"ги Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан жавобгар буладилар.

6.2. Туловлар шартномада курсатилган муддатлардан кечиктирилган тақдирда, "Истеъмолчи" кечиктирилган ҳар бир кун учун шартнома умумий суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пеня шартноманинг умумий тулов суммасини 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Товар-моддий бойликларини етказиб бериш кечиктирилган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пеня шартноманинг умумий тулов суммасини 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.4. Пеня тулаш тарафларни шартномада курсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.5 "Истеъмолчи" томонидан товар-моддий бойликларни ишлатилиши жараёнида содир этилган қонун бузилиши ҳолатлари учун "Таъминотчи" жавобгар булмайди.

6.6. Шартномасининг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

### 7. Шартномага узгартириш қиритиш ва уни бекор қилиш тартиби

7.1. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама узгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

7.2. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд қарорига биноан фақат иккинчи тараф) шартномани жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда узгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.3. Бир тараф шартномани узгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги тақлифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки утгиз қулик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани узгартириш ёки бекор қилиш тугрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

### 8. Қўшимчалар

7.1 Икки томоннинг узаро ёзма қелишувига асосан мазкур шартномага қиритиладиган узгартириш ва қўшимчалар қонуний қучга эга булади. Узғариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Илова икки томоннинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган булиши шарт.

### 9. Форс-мажор.

8.1 Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ булмаган сабабларга қ)фа ва енгиб булмайдиган қуч мавжуд булган ҳолда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлар буйича жавобгар булмайди.

### 10. Шартноманинг амал қилиш муддати.

9.1 Шартнома томонлар уртасида имзоланиб Газначилик булинмаси томонидан руйхатдан утгандан сунг қучга қиради ва 2021 йил «31» декабрғача амал қилади.

9.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилган булиб, икки нусхаси ҳам тенг ҳуқуқий қучга эга булиб, банк ҳисоб китобларини амалга оширишга асос булади.

### 11. Низоларни ҳал этиш тартиби

11.1. Шартномани тузиш, бажариш, узгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар уртасида қелиб қикадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тугрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг қелишувига биноан, иқтисодий суди томонидан қуриб қикалади.

#### "ТАЪМИНОТЧИ"

"Саноат Сановат" А.Т.Н.И.  
Манзил: Қўрғоқ М.Ф.У.  
М.Ф.Ө - 00714 УНМ: 306265948  
ХП: 20208000105045416001



Раҳбар:

Н. Мансуров

#### "ИСТЕЪМОЛЧИ"

Узғарувчи Т.Т.Ф.З.К.  
Манзил: Мустақиллик 95-сеу  
УНМ: 200102777 М.Ф.Ө: 00232  
ХП: 2262600020037386001



Раҳбар:

Х. Ахмедов